

# Мустамлакачилик даврида Туркистанда вақф мулқчилик сиёсати тарихидан

Шариф Раджабович Умуроев

Sharifumurov2020@gmail.com

Мунисахон Вафохожаева

СамДТУ

**Аннотация:** Мақола Туркистон ўлкасининг Россия империяси мустамлакачилиги даври тарихига XIX-асрнинг иккинчи ярми-XX аср бошларидағи Туркистандаги ижтимоий-иктисодий ҳаёт масалаларини ёритиб беришга қаратылған. Ўша даврда ўлкамиздаги вақф мулклари ва уларга қилинган хуружларни тадқиқ этиш, ҳалқимизга азал-азалдан ўзига хос бўлган саҳоватлилик, бағрикенгликни англаш имконини беради. Зеро, вақф замирида энг эзгу ниятлар, олижаноб туйгулар мужассамлашгандир.

**Калит сўзлар:** мустамлакачилик, истиқтол, вақф, мулқчилик, ижтимоий - иктисодий

## The attitude of the Russian Empire to the policy of foundation property (vaqf) in Turkestan and its impact on our modern economy

Sharif Radjabovich Umurov

Vafohojaeva Munisakhan

SamSMU

**Abstract:** The article focuses on the history of Turkestan in the period of colonial rule of the Russian Empire, the issues of socio-economic life in Turkestan in the second half of the XIX-early XX centuries. The study of the foundations of our country and the attacks on them at that time will allow our people to understand the generosity and tolerance that have always been inherent in them. After all, at the heart of the foundation are the most noble intentions, noble feelings.

**Keywords:** colonialism, independence, foundation, property, socio-economic

Ўзбекистон истиқтоли XX аср мобайнида мамлакатимиз ва жаҳон миқёсида рўй берган энг муҳим тарихий воқеалар сирасига киради. Зеро, мустақилликнинг ҳаётбахш таъсири остида Республиқмиз ҳаётининг барча соҳаларида туб инқилобий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимиз

ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётдаги сифат ўзгаришларига ҳамоҳанг тарзда тарихшуносликка хам янгича рух ва мазмундаги илмий тадқиқотлар учун ғоят қулий шарт-шароитлар яратилди.

XXI-аср жаҳон ғоявий курашлар майдони инсоният тарихида мисли қўрилмаган даражага етгани туфайли ҳар бир ҳалқнинг миллий қиёфаси ва ўзлигини сақлаб қолиши, бунинг учун эса тарихий илдизларни теран англаш масаласи долзарб бўлиб қолмоқда. Ўзбекистон қадимдан ҳозиргача дунё цивилизациясининг ривожи тарихида ўз ўрнига эга бўлиб, айниқса Ислом цивилизациясининг ривожи тарихида етакчи ўринлардан бирида туради.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда амалга оширалаётган туб ўзгаришлар замирида тарих фани ривожи янги босқичга кўтарилиди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек,” ...бизнинг мамлакатимиздагидек бой тарих, боболаримиздек буюк алломалар ҳеч қаерда йўқ. Бу меросни чукур ўрганишимиз, ҳалқимизга, дунёга етказа билишимиз керак.” Тарих фани олдида турган муҳим вазифалардан бири Мустабид шўролар даврида ҳукмрон мавғурага айланган дахрийлик сиёсати туфайли муқаддас Ислом динидаги энг илғор оқим саналган тасаввуф таълимоти ва унинг намоёндаларига нисбатан доимий тарзда хуружлар қилиниб, тухмат тошлари отилди. Натижада тарихимиз қўпол тарзда бузилиб, соҳталаштирилди.

XXI-асрнинг иккинчи ярми-XX аср бошларида Россия империясининг Туркистондаги вақф мулкчилик сиёсатига муносабати масласи ҳақида тўлароқ тушунчага эга бўлиш учун унинг Мовароуннаҳр тарихидаги ўрни ҳақида баъзи маълумотларни келтиришни зарур деб ҳисоблаймиз.

Давлат ва жамоат арбоби Ислом Каримов Республика тарихчилари билан учрашувида Хўжа Аҳрор Валий ҳақида: “Бу мутафаккур зот ўз даврида 25 -30 йил мобайнида Марказий Осиёдаги ҳалқларни бирлаштириш, сиёсатчиларнинг бошини қовуштириш орқали ҳар хил тўқнашувларнинг олдини олиш учун бор куч-ғайратини сарфлаган, унинг юксак обрў эътибори бунда ҳал қилувчи аҳамият касб этган. “Шайхлар Шайхи” деб ном олган бу улуғ зотнинг гапини бирор ҳукмдор, ҳоким, шахзода икки қилмаган. Нега деганда, ҳалқ уни бошига кўтарган. Биз ҳам бундай азиз аждодларимизни бошимизга кўтаришга тайёрмиз” - деган фикрларни билдирган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сонли “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789 сонли “Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари

тўғрисида”ти қарори, 2017 йил 30 июндаги ПҚ-3105 сонли “Ўзбекистон Республикаси фанлар академияси ҳузуридаги Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича жамоатчилик кенгаши фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ти қарори ва соҳага оид бошқа меёрий-хукуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ва Ўзбекистон тарихи билан боғлиқ айрим жиҳатларни ёритишида ушбу диссертация тадқиқоти муаййан даражада хизмат қиласди.

Россия империясининг Туркистонда вақф мулкчилик сиёсатига муносабати ва унинг оқибатлари XIX иккинчи ярмида фаолият кўрсатган рус олимларининг асарларида учрайди. Чунки Туркистон Россия империяси томонидан тўла истило этилганидан кейинги даврда мустамлака тузумини янада мустаҳкамлаш сиёсати ўлканинг ижтимоий - иқтисодий хаётига оид турли статистик маълумотларни тўплаш ва умумлаштиришни тақозо этади. Вақф масалалари қисман В.П. Наливкин ва М.Н. Ростиславовларнинг асарларида ҳам учрайди. Мазкур муаллифлар ўз асарларида вақф мулкларининг хонлар ва алоҳида шахслар томонидан диний ташкилотларга берилган ерлар қишлоқлардаги давлат ерларидан олинадиган хирж ва таноб солиқларининг вақф қилинганлиги, улардан коранда, чоракорлар ёрдамида фойдаланиши, шунигдек Ўрта Осиё чоризм томонидан босиб олингандан кейин дастлабки йилларда вақфларнинг ҳолати, рус ҳукуматининг вақф соҳасидаги сиёсати, бу ҳақда чор маъмуриятининг маҳсус қонуни йўқлиги, лекин айрим вилоят бошлиқларининг вақфларини рус маъмурияти ўз назоратига олганлиги, вақфга эгалик қилувчи диний ташкилотлар мутаваллиларига даромадни бир қисмини ажратиб улардан ҳисбот талаб қилганликлари кўрсатиб ўтилган. Уларда 1886 йили 12 июня Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги низом император томонидан тасдиқланиб вақф ҳақида йўл-йўриқлар, қоидалар эълон қилинганидан сўнг вақфларнинг ҳолати, ахоли яшайдиган вақф ерларидан давлат солигини олиш тартиби баён этилади. Вақфномаларнинг ҳақиқий ёки қалбаликлиги эканлиги устидан текширув ўtkazilganligi, унинг натижалари, хон ва амирлар муҳри бўлмаган вақфномаларнинг қалбаки деб ҳисоблангани ва шу йул билан мусулмон руҳонийларининг иқтисодий негизи ва таянчлари заифлаштирилганлиги кўрсатиб ўтилади. Вақф даромадлари назоратсиз бўлгани ва улар мутаваллилар томонидан талон-тарож этилиши, ҳаражатлар тўғри сарфланмаслиги ачиниб қайд қилинган. Боз устига В.П. Наливкин вақф мулкларини тўла давлат ихтиёрига ва назоратига ўтиши лозимлигини таъкидлайди.

Дарҳақиқат, ҳукумат 1898-йил май ойидаги Андижон қўзғолонидан кейин вақф мулкларига аҳамият бериб, унга нисбатан олиб борадиган сиёсатни белгилаб олишни бошлаган. А.П.Хорошкин “Тошкентдаги вақфлар” номли мақоласида нафақат Тошкент вилояти, балки ўлканинг бошқа ҳудудларидаги

вақф мулклари ҳақида маълумотларни берган. Унинг хulosасига қўра вақф мулклари диний ташкилотларга эмас, балки давлат тасарруфидаги мулк сифатида бўлиши лозим экан.

Н.Емельянов ҳам ўз мақоласида Туркистон ўлкасидаги вақф ерлари ҳақида маълумот берган унинг маълумотига қараганда Сирдарё, Фарғона, Зарафшон ва Самарқанд вилоятларида ҳаммаси бўлиб 2909 вақфлар ва уларда 46266 та таноб ер мавжуд экан.

Академик В.В.Бартольд ҳам ўз асарларида Туркистондаги вақф масаласига аҳамият бериб ўтгани бизга маълум. У “Туркистонда маданий ҳаёт тарихи” номли асарида Туркистонда вақф масаласига олиб бориладиган чоризм ҳукуматининг сиёсатини таҳлил этади ва натижада ушбу сиёсат натижасида ерли ҳалқ айниқса руҳонийларнинг норозилиги келиб чиқишини қайд қилган. Биринчи гурух муаллифлари жамоасига Б.А.Бобровников, О.М.Керенскийни асарларини ҳам киритиш мумкин.

Мавзу тарихшунослигига чоризм ҳукумати томонидан ўтказилган статистик тадқиқот ва текширишлар катта аҳамиятга эгадир. Шундай статистик материалларда мадрасалар, хусусан Ҳожи Аҳрор авлодларига тегишли вақф мулклари ҳақида маълумотлар ҳам берилган. Масалан, ўлкашунос А.Н.Соболев Туркистоннинг тарихий географиясида оид йирик китобида Ҳожа Аҳрор авлодларига қарашли бўлган вақф мулклари ҳақида ҳам маълумотларни келтирган ҳолда қўйидагиларни ёзади: “Биз Ҳожа Аҳрорнинг хужжатларини (яъни вақф ёрлигини-У.Ш.) синчилаб кўриб чиқдик. У узунлиги бир неча сажен, эни ярим аршиндан иборат хужжатdir. Хужжат бир-бирга ёпиштирилган кўплаб вароқларнинг ўрамидан иборат. Унинг биринчиси, бошланғичи, анчагина эскирган қисми фикримизга асл нусха бўлгани ҳолда иккинчи қисмининг соҳталиги кўриниб турибди” Муаллиф мазкур вақф ёрлигини Туркистондаги энг кўхна хужжатлар сирасига киритган.

Ўша хужжатларни ўрганиш асосида Л.Н.Соболев шундай фикрга келади: “Авлиё(яъни Ҳожа Аҳрор -У.Ш.)нинг оёғи қаерга етса, ўша жой вақфга айлантирилган. Авлиё Қарши шаҳридан Самарқанд орқали Тошкентга қадар бўлган йул бўйлаб кетган ерларнинг учдан бир қисмини (кенглигини аниқлаб бўлмади) авлодлар учун вақф қилган.

Шунингдек Я.Н.Соболев Ҳожа Аҳрор авлодлари тасарруфидаги вақф қишлоқлари ҳақида ҳам аниқ маълумотларни келтирган.

Бошқа бир ўлкашунос олим А.П.Хорошхин ҳам Ҳожа Аҳрорнинг улкан бойликлари тарихига қизиқиб, ҳалқ орасида кенг тарқалган ҳикоя ва ривоятларни тўплаган. Олим ҳақ оғзаки ижодиёти намуналари асосида “Самарқанднинг жанубидан Шахрисабз тоғларига қадар чўзилган ерлар” Ҳожа Аҳрорнинг вақф мулклари бўлган, деган хulosага келган.

Ҳожа Ахрор авлодларининг Тошкентдаги вақф мулкларига оид ғоят қимматли маълумотлар ҳам А.П. Хорошхиннинг тадқиқотидан ўрин олган. Мана бу маълумот ҳам эътиборга лойиқ: “XIX-асрнинг иккинчи ярмида Ҳожа Ахрор авлодларининг вақф мулклари Тошкент шаҳрининг Себзор даҳасидаги Оқтепа ва Оққўргон маҳаллаларида ҳам мавжуд бўлган ҳолда, уларнинг умумий қиймати 300 минг рублни ташкил этган. Ўша мулкларда 800 ижрочи ишлаган”.

1896 йилда “Туркестанские ведомости” газетасининг 88-сонида “Л.К.Ю.” қисқартмаси остида ноъмалум муаллифнинг “Марғилон мактублари” номли мақоласи эълон қилинган. Ушбу мақолада Ҳожа Ахрорнинг бойликлари ҳақида маълумот келтирилган: Ҳожа Ахрор авлодлари Туркистон ўлкасида ғоят улкан вақф мулкларига эгадирлар. Бухоро амирлигидан бири томонидан берилган хужжатга асосан, Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Қаршидаги ер майдонларининг учдан бир қисми, яъни Қаршидан Самарқанд орқали Тошкентга қадар ерлар юқорида айтилган авлиё (Ҳожа Ахрор-У.Ш.) авлодларининг вақф мулклари бўлган.”

Ўлкашунос тарихчи В.Л.Вяткин ҳам Ҳожа Ахрорнинг вақфномаларини ўрганиш асосида унинг авлодларига тегишли ер майдонлари ҳақидаги муҳим маълумотларни келтиради. Унинг Тошкент шаҳридаги авлодлари қўлидаги ер мулкларининг бир қисми 300 десятинадан иборат бўлган.

1902-йилда Ҳожа Ахрорнинг вақф ёрликлари билан академик В.В.Бартальд ҳам танишган. Олимнинг тасдиқлашича, мазкур хужжат 1533-йилда тузилган вақфномадан 1875-йилда кўчирилган нусхадир. В.В.Бартольд илк бор Ҳожа Ахрор вақф хужжатлари матнининг асосий қисмини форс-тожик тилида келтиради. Бу вақфномани О.Д.Чехович 1533 йилдан илгари Ҳожа Ахрор ҳаётлигига тузилган деб тахмин қиласди.

Россия империяси мустамлакачилиги даври тадқиқотлари учун хос бўлган хусусият шуэдики вақф мулкларининг қиймати, жойлашган ўрни, баъзи вақф хужжатлари, муассасалар номлари маълумотлар тарзида келтириб ўтилади.

Совет истибоди даврида ҳам шарқшунос тарихчилар Ҳожа Ахрор авлодларининг вақф мулкларига оид масалаларни ўрганишган. Чунончи П.П.Иванов Ҳожи Ахрорнинг йирик феодал хўжалигига оид муҳим фикрларни илгари сурган. У Ҳожи Ахрорнинг Қарши ва Самарқанддаги вақф мулкларининг умумий майдонини аниқлашга ҳаракат қиласди. П.П.Ивановнинг тахминий ҳисоб-китобларига кўра, Ҳазрати Эшоннинг Қаршидаги ер мулклари 150 минг танобни, Самарқанддаги эса 200 минг танобни ташкил этган. Муаллиф Ҳожа Ахрорнинг ўлимидан сўнг ўша улкан хўжалик таназзулга учраганлигини ҳам таъкидлаб ўтади.

Олимнинг бу хулосалари вақфномалардаги маълумотларга асосланмаган. Чунки Ҳожа Аҳорнинг вақф ёрлиқлари билан танишиш П.П.Ивановга насиб этмаган. Унинг 1936-1937 йиллар давомида Тошкент ва Самарқанддаги вақф хужжатларини қидирув ишлари натижа бермаган.

Шўролар даврида чоризмнинг Туркистонда олиб борилган мустамлакачилик сиёсати П. Голузо ва Г.Сафаров томонидан фош қилингани тарихчиларга маълумдир. Мавзу бўйича Л.И.Дембо ўз асарида Ўрта Осиёда вақф ерларининг ҳукуқий жиҳатларини таҳлил этган ва унда вақфнинг асосий унсурлари вақф-вақфни таъсис этувчи, вақф мол-мулки, вақфга эгалик қилувчи ва уни қонунлаштирувчи хужжат-вақфномалардан иборат эканлигини уқтирган. Ҳақиқатан ҳам вақфномалар жуда мураккаб юридик хужжат бўлиб, унда вақфнинг исм шарифи, мулкнинг жойи, унинг чегаралари (агар мулк ер бўлса), қайси мақсадга уни сарфлаши, фойдаланиш қоидаси ва х.к гувоҳлар иштирокида қайд қилинади. Вақфлар солиқлардан озод эканлиги таъкидланади. Хонлар даврида вақф мулклари ҳукмдорлар томонидан берилган иноятномалар орқали солиқлардан бутунлай озод қилинган.

Шарқшунос Р.А.Набиев XV-XVI асрларга мансуб бўлган қўлёзма манбалар: номаълум муаллифнинг “Маноқиби Ҳожа Аҳор”, Фахриддин Али ас Сафийнинг “Рашаҳат айн ал-хаёт” (ҳаёт булоғидан томчилар) каби мўътабар манбалардан фойдаланган ҳолда, Ҳожа Аҳор бойликларининг, бу улкан хўжаликни бошқариш усуллари ҳақида муҳим фактларни билдирган.

Афсуски ўша кўхна манбалар ҳақиқат ва адолат тамойиллари асосида эмас, балки ўша даврда ҳукмрон бўлган камфирқа мафкураси руҳидан келиб чиқиб, бир ёқлама тадқиқ этилган. 1960-йилдан бошлаб Ҳожа Аҳор ва унинг авлодлари вақф мулклари тарихи билан шарқшунос тарихчи З.А.Қутибаев шуғуллана бошлаган. Шунингдек совет даврида вақф мулклари ҳақида илмий тадқиқотлар олиб борилган олимлардан Б.Қозоқов, О.А.Сухарев, ва бошқаларни қайд этиш мумкин.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, мамлакатимиз мустақилликга эришганидан сўнг барча соҳаларда ислоҳотлар тубдан ўзгартирилди. Иқтисодиёт, сиёsat, илм-фан, дин ва бошқа соҳалар.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Каримов И.А Тарихий хотирасиз келажак йук. Т.: Шарқ 1998, Б.23.
2. Узбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сонли фармонинг 1-иловасига келтирилган «2017-2021 йилларда Узбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йуналиши буйича харакатлар стратегияси //http://strategy.regulation.gov.uz

3. Наливкин В.П "Положение вакфного дела в Туркестанском крае до и после его завоевания.// Ежегодник Ферганской области, том III. Новый Маргелан. 1904, С.1-15
4. Ростиславов М.Н. Очерк видов земельной собственности и поземельный вывос в Туркестанском крае/. Труды 3-го Международного съезда фонталистов, том I, СПБ. 1876. С. 335-350
5. Хорошхин А.П. Вакуфы в Ташкенте//Туркменские ведомости. 1908. Т. 454. - С.5-8
6. Емельянов Н. Численность вакфов Туркестанского края//Туркестанский сборник. Т.461. С.3-6
7. Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана// Сочинение Т.2.Ч.1.-М: Наука. 1968.-С.314-315.
8. Umurov Sh.R. On the importance of foundation property in the development of education // Material "Modern medicine and pharmacy: new approaches to current research" 75-month International scientific-practical conference of medical students and young people. Samarkand, 18 May 2021 g.1137-1138 bb.
9. Maxmudova A. N., Axmedjanova D. M. Voprosy vospitaniya garmonichno razvitoj molodezji v vozzreniyah djadidov i sovremennost // Главный redaktor. - 2017. - p. 90
10. Усмонова Л. Р. ЭСТЕТИЧЕСКОЕ ОБРАЗОВАНИЕ И ЕГО ЗНАЧИМОСТЬ В ИСКУССТВЕ СОВРЕМЕННОГО МИРА. - 2021
11. Усмонова Л. Р. ЭСТЕТИКА ИЗОБРАЖЕНИЯ ЧЕЛОВЕКА В ВОСТОЧНОЙ МИНИАТЮРЕ //Инновации в технологиях и образовании: сб. ст. участников XII Между. - 2019. - С. 89.
12. Махмудова А. Н. Шахс хуқуқий ижтимоийлашуvida ижтимоий назорат тушунчаси ва тизими //международный журнал Консенсус. - 2020. - Т. 1. - №. 1.
13. Nugmanovna M. A. et al. EDUCATION OF TOLERANCE IN YOUNGER GENERATION //Conferencea. - 2022. - С. 52-55.
14. Nugmanovna MA, Kamariddinovna KA. Modern biotechnical problems of medicine and their solutions. InArchive of Conferences 2021 Jan 28 (Vol. 13, No. 1, pp. 169-173).
15. Nugmanovna MA. ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТДА ҲУҚУҚИЙ ТАРБИЯНИНГ ЎРНИ. PHILOSOPHY AND LIFE INTERNATIONAL JOURNAL. 2022 May 31(SI-1).
16. NUGMANOVNA OF. ABORTION AS AN ETHICAL PROBLEM. Journal of Modern Educational Achievements. 2023 Sep 13;9(9):31-9.
17. Nugmanovna MA. LEGAL SOCIALIZATION OF THE INDIVIDUAL AND LEGAL CULTURE IN MODERN CIVIL SOCIETY:(SOCIO-

PHILOSOPHICAL ANALYSIS). Thematics Journal of Social Sciences. 2022 Mar 30;8(2).

18. Nugmanovna MA, Saodat M. ENSURING THE EFFICIENCY OF PROTECTION OF THE RIGHTS OF MINOR CHILDREN: ON THE EXAMPLE OF FOREIGN EXPERIENCE. British View. 2022 Jun 19;7(1).

19. Hamida A. PHILOSOPHICAL AND METHODOLOGICAL ISSUES OF THE PARADIGMAL APPROACH TO THE CONCEPT OF MODERNIZATION. InArchive of Conferences 2020 Dec 8 (Vol. 10, No. 1, pp. 15-18).

20. Hamida A, Juraboy Y. COOPERATION IN CENTRAL ASIA AS A PRIORITY DIRECTION OF FOREIGN POLICY OF UZBEKISTAN. Galaxy International Interdisciplinary Research Journal. 2021 Dec 5;9(12):175-8.

21. ABDUMAJIDOVA H, MIR-JA'FAROV SJ. YOQUT HAMAVIY ASARLARIDA NASAF ALLOMALARINING ZIKRI. ИНТЕРНАУКА Учредители: Общество с ограниченной ответственностью "Интернаука":18-20.

22. Даминова М, Журакулова Д, Абдумажидова Х. Диний бағрикенглик ёш авлод тарбиясида юксак ахлоқий фазилат. Science and Education. 2023;4(1):696-705.

23. Мардиева ГК. ОИЛА-ШАХСНИНГ ИЖТИМОЙЛАШУВ МАСКАНИ СИФАТИДА. Results of National Scientific Research International Journal. 2023 Jan 2;2(1):239-46.

24. Makhmudova A. Ensuring the competitiveness of the scientific approaches of eco-tourism a case of Uzbekistan. South Asian Journal of Marketing & Management Research. 2018;8(11):33-41.

25. Maxmudova A. N., Axmedjanova D. M. Voprosy vospitaniya garmonichno razvityoy molodezhi v vozzreniyah djadidov i sovremennost // Главный redaktor. - 2017. - p. 90

26. Boymirzayeva XS. O'zbekiston-Malayziya: iqtisodiy hamkorlikning yo'lga qo'yilishi. Science and Education. 2023;4(1):932-9.

27. Boymirzayeva XS. Amir Nasrulloxon tomonidan amalga oshirilgan harbiy islohotlar. Science and Education. 2022;3(12):124-31.

28. Boymirzayeva XS. Inson huquqlari eng oliy qadriyat. Science and Education. 2022;3(11):1328-33.

29. Turayeva DS. Shaxsning har tomonlama shakllanishida muloqot san'atining ahamiyati. Science and Education. 2023;4(1):836-43.

30. Usmonova LR, Qamariddinzoda AQ. Hirot miniatyura san'ati makkabining yoshlar ma'naviy tarbiyasidagi o'rni. Science and Education. 2023;4(1):671-8.

31. Халимбетов ЮМ, Хамрокулов ЖУ. Роль интеллектуальных ценностей в формировании научной деятельности молодёжи. Science and Education. 2023;4(1):852-9.

32. Nugmanovna M. A. et al. EDUCATION OF TOLERANCE IN YOUNGER GENERATION //Conferencea. - 2022. - C. 52-55.